

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АЗИЗОВА ХОЛИДА МУМИН ҚИЗИ

**АКРИЛОНИТРИЛ АСОСИДА ЯНГИ МУНЧОҚСИМОН СОРБЕНТ
СИНТЕЗИ ВА ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ**

**02.00.06 – Юқори молекуляр бирикмалар
02.00.04 – Физик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
химическим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of a doctor of philosophy (PhD) in
chemical sciences**

Азизова Холида Мумин қизи

Акрилонитрил асосида янги мунчоқсимон сорбент синтези ва
физик-кимёвий хоссалари 3

Азизова Холида Мумин қизи

Синтез и физико-химические свойства нового гранулированного
сорбента на основе акрилонитрила 21

Azizova Kholida

Synthesis and physicochemical properties of a new granular sorbent
based on acrylonitrile 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АЗИЗОВА ХОЛИДА МУМИН ҚИЗИ

**АКРИЛОНИТРИЛ АСОСИДА ЯНГИ МУНЧОҚСИМОН СОРБЕНТ
СИНТЕЗИ ВА ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ**

02.00.06 – Юқори молекуляр бирикмалар

02.00.04 – Физик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.PhD/K382 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда [Ўзбек, рус, инглиз (резюме)] Илмий кенгаш веб-саҳифасида ik-kimyo.nuu.uz ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Бабаев Туйғун Мирзаахмедович
кимё фанлари доктори, профессор

Каттаев Нуритдин Тўраевич
кимё фанлари доктори, доцент

**Расмий
оппонентлар:**

Рафиков Адхам Салимович
кимё фанлари доктори, профессор

Рўзимуродов Олим Норбекович
кимё фанлари доктори, профессор

Етақчи ташкилот:

Тошкент кимё-технология институти

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.K.01.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашининг 2022 йил «29» 06 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871)227-12-24, факс: (+99824) 246-53-21; 246-02-24. e-mail: chem0102@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (55 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: (100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел: (+99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 2022 йил «16» 06 тарқатилди.
(2022 йил «16» 06 даги 15- рақамли реестр баённомаси).



А.З.Сманова
Фан доктори илмий даражасини берувчи
бир марталик илмий кенгаш
раиси, к.ф.д., профессор

Д.А.Гафурова
Фан доктори илмий даражасини берувчи
бир марталик илмий кенгаш
илмий котиби, к.ф.д., профессор

М.Г.Мухамедиев
Фан доктори илмий даражасини берувчи
бир марталик илмий кенгаш ҳузуридаги
илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда оқава сувлар ва технологик эритмалардан турли хил рангли металллар (уран, рений, молибден, олтин, кумуш) ионларини ажратиб олиш, сувни тузсизлантириш, тиббиёт, фармацевтика, кимё саноати ва бошқа соҳаларда ион алмашинадиган сорбентларга эҳтиёж сезилмоқда. Арзон нархи, фойдаланишда қулайлиги, кўп регенерация қилиш имконияти ва экологик тозаллиги ион алмашинадиган сорбентлар сорбцион технологияларида муносиб ўрин эгаллайди.

Дунёда физик-кимёвий ва эксплуатацион хоссаларга эга ион алмашувчи сорбентларни яратиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бундай материалларни синтез қилиш учун кенг имкониятларга қарамай, яхшиланган физик-кимёвий хусусиятларга эга бўлган мунчоқсимон полимер сорбентларнинг кўпчилиги учун акрил мономерларни икки функцияли мономерлар билан суспензияли сополимерлаш, сўнгра уларни кимёвий модификация қилиш усули қўлланилади.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг турли тармоқларида маҳаллий хомашё асосидаги мунчоқсимон сорбентларни импорт ўрнини босиш борасида чора тадбирлар амалга оширилди. Бу йўналишда иссиқлик ва кимёвий таъсирга чидамли мунчоқсимон сорбентларни синтез қилиш усуллари ишлаб чиқиш, тузилиши ва хоссаларини ўрганиш, амалиётга жорий этишда салмоқли натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида “миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш” вазифалари белгилаб берилган¹. Шу муносабат билан маҳаллий хомашё акрилонитрил асосида импорт ўрнини босувчи, механик ва кимёвий жиҳатдан мустаҳкам мунчоқсимон ион алмаштиргичларни синтез қилиш, уларнинг морфологияси ва молекуляр тузилиши, физик-кимёвий хоссалари ва сорбцион механизмларини замонавий таҳлил усулларида фойдаланилган ҳолда аниқлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3264-сон “Кимё саноати ташкилотларининг экспорт-импорт фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ва 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022 йилнинг 28 январдаги ПФ-60-сон.

республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда дунёда акрилонитрил асосидаги мунчоқсимон сорбентларни синтез қилиш соҳасида уни бифункционал винил мономерлар иштирокида суспензияли полимерлаш, сўнгра нитрил гуруҳларини кимёвий модификациялаш устунлик қилади ёки термик карбонлаштириб углерод материалларини олиш имконини беради.

Бразилиялик олимлар E.C.Riqueza, A.P. de Aguiar, M.R.M.P. de Aguiar, L.C.D. Maria ишқорий эритмалардаги турли аминлар таъсирида акрилонитрил сополимерларини кимёвий ўзгартириш йўли билан мунчоқсимон сорбентларни синтез қилишнинг назарий ва амалий жиҳатларини, олинган материалларнинг структур-морфологик ва физик-кимёвий хусусиятларини ўрганди. Хусусан, мунчоқсимон сорбентларнинг ғоваклиги уларни синтез қилишда ишлатиладиган суюлтирувчи/ғовак ҳосил қилувчи турига боғлиқлиги кўрсатилган. Чет эллик олимлар Malik D.J., Trochimczuk A.W., Ronka S. ўзига хос сирт майдонининг ғовак ҳосил қилувчилар сонига тўғридан-тўғри пропорционал боғлиқлигини ўрнатдилар. Dilek Duranoğlu, Andrzej W.Trochimczuk, Ulker Beker полимерларнинг тузилиши ва физик-кимёвий хоссалари ўртасидаги боғлиқликни ўрнатиш учун Cr (VI) ионларининг сорбция жараёнларида кинетика ва термодинамика масалаларини ёритиб бердилар. Мамлакатимизнинг бир қатор таниқли олимлари Мусаев У.Н., Аскарлов М.А., Рашидова С.Ш., Негматов С.С., Бабаев Т.М., Джалилов А.Т., Туробжонов С.М. ва бошқалар турли хил полимер материаллардан фойдаланиб, ионитлар олиниши ва хоссаларининг физик-кимёвий жиҳатларини тадқиқ қилиш орқали ионалмашув материалларни синтез қилиш ва қўллаш бўйича илмий изланишларга салмоқли улуш қўшганлар.

Мунчоқсимон сорбентларни олиш усуллари орасида турли аминларнинг сувли эритмалари таъсирида ўзаро боғланган акрилонитрил сополимерларини аминолизлаш усули алоҳида ўрин тутлади. Шундай қилиб, бир қатор олимлар E.C.Riqueza, A.P. de Aguiar, L.C.D.Maria, D.J.Malik, A.W.Trochimczuk, S.Ronka, Dilek Duranoğlu, Andrzej W.Trochimczuk, Ulker Beker, Г.В.Самсонов, К.В.Чмутов, Р.Майерс, Р.Кунин, В.Г.Синявский, А.Б.Пашков, К.М.Салдадзе, Ф.Гельферих, Р.Гриссбах, Е.Е.Ергожин, Б.Н.Ласкорин, Г.Осрборн, К.Д.Джандосова, В.В.Коршак, А.С.Тевлина, Е.Б.Тростянская, А.Б.Даванков, Ю.А.Лейкин, В.Д.Копылова, Е.А.Бектуров, М.А.Аскарлов, Мусаев У.Н., А.Т.Джалилов, Т.М.Бабаев, М.Г.Мухамедиев, Ф.М.Магруппов сорбентларни аминолиз йўли билан ажратиб, структуравий морфологияси, физик-кимёвий ва сорбцион хоссаларини ўрганган.

Илмий адабиётларда акрилонитрил асосидаги сорбентлар тўғрисидаги мавжуд маълумотлар нафақат сорбцион технологияларда, балки бошқа соҳаларда ҳам фойдаланиш учун мўлжалланган, хусусан, ёнилғи элементлари сифатида винилфосфоник кислотали акрилонитрил сополимерига асосланган ион алмашинадиган мембраналар (J.Zitka, M.Bleha, J.Schauer, B.Galajdova,

М.Paidar, J.Hnat, K.Bouzek), гидрогеллар сифатида, акрилонитрилнинг винил мономерлари билан баъзи N,N'- метилен-бис-акриламид орқали чокланган сополимерлари қўлланилади (Kaith Balbir Singh, Jindal Rajeev, Mittal Hemant).

Мунчоқсимон сорбентларни синтез қилиш соҳасида эришилган натижаларга қарамай, мавжуд селектив сорбентларнинг хоссаларини яхшилаш ва янгиларини синтез қилиш, физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ПЗ-20170925290 «Маҳаллий хомашёлар асосида ионитлар олиш ва уларни саноат чиқиндиларидан рангли ва камёб металлларни сорбциялашда қўллаш» (2018-2020 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади акрилонитрилнинг гексагидро-1,3,5-триакрилилтриазин билан чокланган сополимерини гидроксилламин ёрдамида аминолиз қилиш йўли билан янги мунчоқсимон сорбентни синтез қилиш ва унинг физик-кимёвий хоссаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари қуйидагилардан иборат:

суспензияли сополимерлаш йўли билан акрилонитрилнинг гексагидро-1,3,5-триакрилилтриазин билан чокланган сополимерини синтез қилиш;

акрилонитрилнинг гексагидро-1,3,5-триакрилилтриазин билан суспензияли сополимерланиши жараёнига турли омилларнинг (реакция давомийлиги, ҳарорат, концентрация) таъсирини аниқлаш;

гидроксилламиннинг сувли эритмаси таъсирида акрилонитрилнинг гексагидро-1,3,5-триакрилилтриазин билан чокланган сополимерини полимер аналогга аминолиз орқали айлантириш;

ҳосил бўлган чокланган сополимер ва мунчоқсимон сорбентнинг структуравий морфологияси ҳамда физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш;

синтез қилинган мунчоқсимон сорбент билан мис (II) ионларини сорбциялаш жараёнининг термодинамикаси ва кинетикасини ўрганиш;

анион алмашинадиган ва комплекс ҳосил қилувчи хусусиятларга эга янги мунчоқсимон сорбентни қўллаш учун мумкин бўлган соҳаларни қидириш.

Тадқиқот объекти сифатида гексагидро-1,3,5-триакрилилтриазин, акрилонитрилнинг гексагидро-1,3,5-триакрилилтриазин билан чокланган сополимери, акрилонитрилга асосланган янги мунчоқсимон сорбент.

Тадқиқотнинг предмети янги мунчоқсимон сорбентнинг синтез шароитлари, тузилиши, морфологиясининг хусусиятлари ва физик-кимёвий хоссалари, Cu (II) ионларини янги мунчоқсимон сорбент иштирокида сорбциялаш жараёнининг кинетик ва термодинамик параметрлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида изотермик сорбция усуллари, УБ-спектроскопия, Фурье трансформацион ИҚ-спектроскопия, энергия дисперсив спектроскопия (ЭДС), термик анализ (ТГ, ДТГ, ДСК),

потенциометрик титрлаш, кондуктометрия, электрон микроскопия (СЭМ) ва замонавий компьютерда ҳисоблаш дастурлари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор суспензияли сополимерлаш усулида акрилонитрилнинг гексагидро-1,3,5-триакрилилтриазин билан янги ўзаро боғланган сополимери синтез қилинган;

илк бор акрилонитрилнинг гексагидро-1,3,5-триакрилилтриазин билан чокланган сополимерини гидроксилламин таъсирида аминолиз йўли билан янги мунчоқсимон сорбент синтез қилинган;

синтез қилинган янги чокланган сополимер ва мунчоқсимон сорбентнинг структуравий морфологияси ва физик-кимёвий хоссалари аниқланган;

янги мунчоқсимон сорбент иштирокида сувли эритмадан $\text{Cu}(\text{II})$ ионларини сорбциялаш жараёнининг кинетик ва термодинамик параметрлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

акрилонитрилнинг гексагидро -1,3,5-триакрилилтриазин билан чокланган сополимерини гидроксилламин билан аминлаш орқали янги ионит олинган;

мунчоқсимон сорбентлар ишлаб чиқариш бўйича маҳсулот турлари кенгайтирилган;

табiiй газдан водород сульфиди ва карбонат ангидриднинг кислотали бирикмаларини, саноат чиқинди сувларидан ва бошқа манбалардан металл ионларини ажратиб олишга қодир бўлган, ион алмашувчи ва комплекс ҳосил қилувчи хусусиятларга эга янги мунчоқсимон сорбентнинг эксплуатацион имкониятлари кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги асосий илмий ҳолатлар ва хулосаларнинг изотермик сорбция, УБ-спектроскопия, Фурье трансформацион ИҚ-спектроскопия, рентген микротаҳлил (ЭДС), термик анализ (ТГ, ДТГ, ДСК), сканерловчи электрон микроскопия (СЭМ) каби замонавий тадқиқот усуллари билан фойдаланиб асослангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти акрилонитрилнинг гексагидро-1,3,5-триакрилилтриазин билан янги чокланган сополимери асосида анион алмашувчи ва комплекс ҳосил қилувчи хусусиятларга эга бўлган янги мунчоқсимон сорбент олиш шароитларининг аниқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти “Навоийазот” АЖ негизида акрилонитрил маҳсулотларини кенг кўламда ишлаб чиқариш учун муқобил фойдаланиш ва ишлаб чиқариш қувватларини тиклашнинг самарали усули сифатида импорт ўрнини босувчи янги мунчоқсимон сорбентнинг ишлаб чиқилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ион алмашувчи ва комплекс ҳосил қилувчи хусусиятларга эга бўлган янги мунчоқсимон сорбент синтези бўйича илмий натижаларга асосланиб:

табий газ таркибидаги водород сульфид ва карбонат ангидридни тозалаш учун “Муборак газни қайта ишлаш заводи” МЧЖ амалиётига жорий этилган (“Муборак газни қайта ишлаш заводи” МЧЖ нинг 2021 йил 2-декабрдаги 992/GK-12-сон маълумотномаси). Натижада ҳажм жиҳатдан 0,19 % H₂S ва 4,1 % CO₂ ни ўз ичига олган метанни 99,998 %гача тозалаш имконини берган;

технологик эритма таркибидан темир ва молибдат ионларини ажратиш олиш учун “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ амалиётига жорий этилган (Олмалиқ КМК АЖ нинг 2022 йил 2-мартдаги АА-001773-сон маълумотномаси). Натижада технологик эритмадан темир ва молибдат ионларини 100 % ажратиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича 9 та, шу жумладан, 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши. Диссертация иши бўйича жами 13 та илмий ишлар нашр қилиниб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, улардан 2 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади².

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари келтирилган, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фани ва технологияси ривожланишининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг амалиётга татбиқ қилиниши очиқ берилган ва чоп этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **«Акрилонитрил асосидаги мунчоқсимон сорбентларни синтез қилишнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари»** деб номланган **биринчи бобида** диссертация мавзуси бўйича халқаро ва маҳаллий илмий тадқиқотлар шарҳи келтирилган, унда нитрил гуруҳи тутган полимер матрицалари синтезининг ҳозирги ҳолати, уларнинг хемосорбцион хусусиятларини намоён қилувчи функционал фаол гуруҳларга эга бўлган полимерларни олишга олиб келадиган полимераналогик ўзгаришлар шароитлари кўриб чиқилган. Илмий-техник ва патент маълумотларини ўрганиш орқали турли сорбцион технологияларда ион алмашинадиган материаллардан мақсадли фойдаланиш тенденциялари таҳлил қилинган.

² Муаллиф кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Н.Р.Холтўраевага мазкур диссертация иши доирасида чокловчи агент синтезини амалга оширишдаги кўмаги учун миннатдорлик билдиради.

беради. Бундай ҳолат кўринишидан урта тўйинмаган боғ мавжудлиги билан боғлиқ. Инициатор концентрациясини 0,5-1,45 масс. % ораликда ўзгартириш орқали сополимерланиш тезлиги ҳамда ДАК концентрацияси орасидаги логарифмик боғланишдан реакциянинг инициатор бўйича тартибининг 0,6 га тенглиги топилди ва у гетероген шароитда радикал полимерланиш қонуниятларига мос келади.

АН ва ГТТнинг сополимерланиши шароитида, яъни реакция аралашмани аралаштириш тезлиги 450-500 айлан/мин бўлганда аксарият ўлчамлари 1,2 мм ли «А» синфга тегишли бўлган мунчоқлар олинди.


Синтез қилинган сополимерларнинг структуравий морфологияси хусусиятларини аниқлаш учун турлича даражада катталаштириб, СЭМ-микротасвирлари олинди (1-расм).



1-расм. АН – ГТТ сополимери мунчоғи сиртининг турли катталаштиришдаги СЭМ-микротасвирлари.


1-расмда келтирилган микротасвирлардан кўрииб турибдики, синтез қилинган чокланган сополимер мунчоғи сферик шаклга эга, унинг сирти структураси эса яққол гетероген бўлиб, ғоваклиги ҳаттоки кичик катталаштиришларда ҳам намоён бўлади. Юқори катталаштиришлар (x500 – 1000)да кўпчилик айланасимон тирқишлар (кичик капиллярлар, йирик ғовак/каналлар)ни сезиш мумкин. Бундай гетероген структуранинг шаклланишида ғовак ҳосил қилувчи – толуол энг кўп ҳиссасини кўшиши мумкин.

Сополимер мунчоғининг кўндаланг кесим юзаси тадқиқ этилганда структуравий архитектура янада ойдинлашади (2-расм).



2-расм. АН – ГТТ сополимери мунчоғи кўндаланг кесими сиртининг турли катталаштиришдаги СЭМ-микротасвирлари.

2-расмда келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, ҳаттоки кичик катталаштиришларда ҳам сополимернинг бир-бири билан умумий девор воситасида бириккан ва мураккаб архитектурани ҳосил қилувчи микроглобуляр заррачалардан ташкил топган яхлит мунчоқлар эканлиги кўринади. Таъкидлаш жоизки, олинган сополимер бир неча марта такрорланган эритувчилар билан ювиш ва қуритиш жараёнларидан сўнг ҳам ўзининг дастлабки геометрик шакли ҳамда юқори механик барқарорлигини (98 %дан юқорироқ) сақлаб қолади. Бу эса мавжуд микроглобуляр архитектуранинг ҳосил бўлиши кимёвий табиатга эғалигидан далолат беради.



3-расм. АН-ГТТ сополимерининг бензол буғларини адсорбциялаш изотермаси.

Синтез қилинган АН-ГТТ сорбентининг ғоваклилигини баҳолаш мақсадида, изотермик шароитларда бензол буғларининг адсорбцияси ўрганилди.

АН-ГТТ сополимерининг бензол буғлари адсорбцияси изотермаси асосида ҳисобланган ғоваклилик тавсифлари олинган сополимернинг юқори солиштирма сирт юзасига ($37,14 \text{ м}^2/\text{г}$) эга бўлган ғовак материал эканлигини кўрсатди. Ғовакларнинг ўртача ўлчами бўйича сополимерни мезоғовакли материаллар қаторига қўшиш мумкин (3-расм).

Синтез қилинган сополимерни ПАН учун «яхши» эритувчи бўлган ДМФАда бўқиши натижалари асосида чокловчи агент ГТТ миқдорининг АН-ГТТ сополимерининг фазовий тўрсимон тузилиши кўрсаткичларига таъсири ўрганилди.

1-жадвал

АН-ГТТ сополимери фазовий тўрсимон тузилиши кўрсаткичларининг чокловчи агент миқдorigа боғлиқлиги

[ГТТ], моль. %	ρ , г/см ³	q_{2m}	M_c	$n_c \cdot 10^3$	$N_c \cdot 10^{-21}$	$v_c \cdot 10^4$	\bar{v}_c
2,5	1,0735	2,33	933	1,08	0,650	1,190	925
3,0	1,0810	2,01	710	1,25	0,842	1,320	712
5,0	1,0878	1,84	647	1,55	0,936	1,600	643

Мономерларнинг дастлабки аралашмасида чокловчи агент миқдорининг ошиши сополимер зичлиги (ρ) ва фаол занжир молекуляр массаси (M_c)нинг камайишига, унинг бирлик ҳажмдаги фаол занжирлар моллар сони (n_c) ва концентрацияси (N_c)нинг ошишига олиб келади (1-жадвал). Бу эса, ўз навбатида, фаол марказларга молекулаларнинг кириб боришига замин яратади.


Олинган сополимерни идентификациялаш учун Фурье-ИҚ-спектроскопиясидан фойдаланилди. ИҚ-спектрада 2240 см^{-1} соҳада нитрил (ν_{CN}) гуруҳининг валент, 1647 см^{-1} да амид гуруҳининг карбонили ($\nu_{C=O}$)га хос валент, 1445 см^{-1} да CH_2 – гуруҳнинг деформацион (δ_{CH_2}) тебришиларига тегишли ютилиш частоталари кузатилди.

АН-ГТТ сополимерининг термик барқарорлигини ўрганиш мақсадида $26-600^\circ\text{C}$ ҳарорат оралиғида дериватографик тадқиқотлар олиб борилди. ТГ ва ДСК эгриларида учта масса йўқотиш соҳалари аниқланди. Биринчи оралик $26,75-303,35^\circ\text{C}$ ҳарорат оралиғига мос келади. Бу ораликда умумий масса йўқотилиши $5,59\%$ ни ташкил қилиб, у сополимер намлиги билан боғлиқ. Ҳароратнинг кейинги ошиши натижасида термооксидланиш деструкцияси ва ёнаки – С-С – боғларининг узилиши билан иссиқликнинг чиқиши ортиб боради.


Намуна массаси сезиларли камайиши ($32,08\%$) максимуми $338,95^\circ\text{C}$ да бўлган $308,35-440,35^\circ\text{C}$ ҳарорат оралиғида кузатилади. Мазкур экзоэффект ичкимолекуляр циклланиш ва маълум миқдордаги NH_3 , HCN нинг ажралиб чиқиши билан тушунтирилади. Кейинги экзоэффект ($468,39^\circ\text{C}$) $440,87-601,08^\circ\text{C}$ ҳарорат оралиғида кузатилади. Ушбу ораликда масса камайиши $7,62\%$ ни ташкил этади. Ўрганилган ораликда ($26-600^\circ\text{C}$) ги масса йўқотилиши $45,24\%$ ни ташкил этиб, синтез қилинган сополимернинг кенг ҳарорат оралиғида термик барқарорлигидан далолат беради.

Диссертациянинг «Акрилонитрилнинг гекса-1,3,5-триакриллитри-азин билан чокланган сополимери асосида мунчоқсимон сорбент синтези» деб номланган тўртинчи бобида АН-ГТТ чокланган сополимерининг гидроксиламин таъсирида аминализ реакцияси ёрдамида янги мунчоқсимон сорбентга модификациялаш натижалари келтирилган.


Илгари Бабаев Т.М. ҳамда ҳамкасблари томонидан акрилонитрилнинг дивинилбензол ва N,N'-метилен-бис-акриламид билан сополимерларининг гидроксиламин иштирокидаги аминализи мисолида жараённинг кучсиз кислотали (рН = 5,5-6,5) муҳитда осонроқ бориши кўрсатилган эди. Бунда системада гидроксиламин ва унинг сульфат кислотали тузи иштирокида буфер эритма ҳосил бўлади. Шу сабабли АН-ГТТ чокланган сополимерининг гидроксиламин (асос шаклидаги гидроксиламин олиш учун унинг сульфат кислотали тузини натрий карбонат эритмаси ёрдамида тўлиқмас нейтралланди) таъсиридаги аминализи кучсиз кислотали муҳитда 369-371 К ҳароратда 5 соат давомида қуйидаги схема бўйича олиб борилди:



Аминализ жараёнини бошқариш мақсадида олинаётган мунчоқсимон сорбентнинг САСига турли омиллар (ҳарорат, реакция давомиёлиги, реакция муҳитдаги гидроксиламин концентрацияси)нинг таъсири тадқиқ этилди.



4-расм. АН-ГТТ-ГА САСининг гидроксиламин концентрациясига боғлиқлиги. Т=100°C, ВМ=1:100, τ=6 соат.



5-расм. АН-ГТТ-ГА САСининг ҳароратга боғлиқлиги. ВМ=1:100, реакция аралашмадаги ГА концентрацияси 15 %.

4-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, сорбент САСи қийматининг ГА концентрациясига боғлиқлик графиги 15 масс. %да максимум (3,56 мг-экв/г) орқали ўтади. Буни амидоксим ва гидроксам кислота гуруҳлари орасидаги нисбатнинг ўзгариши билан тушунтириш мумкин.

Аминализ жараёнининг боришига ҳароратнинг таъсирини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, система ҳарорати 373 К гача кўтарилганда


сорбент САСи қиймати мунтазам равишда ошади ва мувозанат ҳолатга етишади (5-расм).

Сорбент САСига турли омилларнинг таъсирини ўрганиш натижалари асосида АН-ГТТ сополимери аминוליзи жараёнининг мақбул шароити куйидагича: ҳарорат – 373 К, реакция давомийлиги – 6 соат, гидроксилламин концентрацияси – 15 масс. %.

Олинган янги сорбентни ИҚ-спектроскопия ва потенциометрия тадқиқот усуллари ёрдамида тавсифланди.

Модификацияланган сополимер ИҚ-спектрида 2242,57 см^{-1} соҳада нитрил (ν_{CN}) гуруҳининг валент тебранишларига хос бўлган ютилиш частоталарининг йўқолганини, 3196,27 см^{-1} да N – H гуруҳларининг валент тебранишларига ($\nu_{\text{N-H}}$), кўприк ҳосил қилувчи фрагменти таркибидаги амид II гуруҳи валент тебранишларига ($\nu_{\text{N-C=O}}$) хос бўлган полосаларнинг ҳосил бўлганини кўриш мумкин. Шунингдек, умумлашган оксим гуруҳларига тегишли: 1639,29 см^{-1} соҳада C=N гуруҳлари валент тебранишларига ($\nu_{\text{C=N}}$), 2926,16 см^{-1} ва 1451,54 см^{-1} да мос равишда O–H гуруҳининг валент ($\nu_{\text{O-H}}$) ва деформацион ($\delta_{\text{O-H}}$) тебранишлари хос ютилиш частоталари кузатилади.

Янги мунчоқсимон сорбентнинг диссоциаланиш константаси кўрсаткичи pK_α қиймати 3,16 га тенг бўлиб (6-расм), уни ўртача кучдаги анионитлар қаторига қўшиш мумкин.



6-расм. АН-ГТТ-ГА сорбенти титрлаш эгри чизиғи ($\mu=0,1$): $\text{pH} = f(V_{\text{HCl}})$ (а) ва Гендерсон-Гессельбах тенгламаси координатасида (б).

Таъкидлаш ўринлики, янада аниқроқ қийматларни олиш учун сорбентнинг потенциометрик титрлашни сувсиз муҳитларда олиб бориш лозим, шу сабабли pK_α нинг қийматини яқинлашган, деб ҳисоблаш керак.

Янги мунчоқсимон сорбентнинг ғовак структурасини баҳолаш учун бензол буғларининг изотермик адсорбциясидан фойдаланилди. Адсорбция изотермаси асосида ҳисобланган ғоваклик кўрсаткичлари мунчоқсимон сорбентнинг юқори ғоваклилигидан далолат беради (2-жадвал).


**АН-ГТТ-ГА мунчоқсимон сорбентнинг – ОН- ва – Сl-шакллари
ғовақлик кўрсаткичлари**

Шакл	a_m , моль/кг	$S_{\text{сол}}$, м ² /г	r_k , Å
– ОН	0,442	106,51	15,0
– Сl	0,406	97,83	15,6

2-жадвал натижалари сорбент солиштирма сирт юзасининг сополимер солиштирма сирт юзасидан деярли 3 марта кўпроқ эканлигини кўрсатади. Буни эса, афтидан, аминолиз жараёнида сополимер структурасининг кўшимча равишда ғовақланиши билан боғлиқ бўлиб, АНнинг ГТТ иштирокида суспензион полимерланиши жараёнида қайишқоқ тўрсимон структуранинг ҳосил бўлгани билан изоҳлаш мумкин.

Диссертациянинг «Янги мунчоқсимон сорбентнинг физик-кимёвий хоссалари ва қўлланиш соҳаларини тадқиқ қилиш» деб номланган бешинчи бобда олинган мунчоқсимон сорбентнинг физик-кимёвий ва сорбцион хоссаларини ўрганиш орқали унинг қўлланиш соҳаларини аниқлаш бўйича натижалар келтирилган.


Шу сабабли модель эритма сифатида мис (II) сульфатнинг сувли эритмаси танлаб олинди. Мис (II) ионларининг сорбент билан таъсирлашишини унинг – ОН-шаклида статик усулда ўрганилди ($\mu=0,1$, эритмаси ҳажмининг сорбент массасига нисбати – 200:1, заррачалар ўлчами – 0,4 мм, ҳарорат – 293 К, реакция аралашмани аралаштириш тезлиги – 400 айлан/мин).



7-расм. АН-ГТТ-ГА мунчоқсимон сорбентнинг мис (II) ионларини турли ҳароратларда сорбциялаш изотермалари: COE – C (а) ва 1/Γ – 1/C (б) боғлиқликлари кўринишида.

Сорбентнинг мис (II) ионларини сорбциялаш жараёнининг термодинамик параметрларини аниқлаш мақсадида, турли хил ҳароратлар (20, 25 ва 30⁰С)да изотермалар олинди. АН-ГТТ-ГА сорбентнинг мис (II) ионларини сорбциялаш жараёни термодинамик функцияларининг ўзгариши график усулда $R\ln K - 1/T$ боғлиқлигидан (8-расм) ва $\Delta G = -RT\ln K$ формуласидан фойдаланиб аниқланди. Бунда ҳароратнинг ўзгариш оралиғининг кичиклигини эътиборга

олиб, реакция энтальпиясининг ҳароратга боғлиқлигини ҳисобга олмаса ҳам бўлади. ΔH нинг график усулда топилган қийматидан фойдаланиб, жараён энтропиясининг ўзгариши $\Delta S = (\Delta H - \Delta G)/T$ формула орқали ҳисобланди.



8-расм. АН-ГТТ-ГА сорбентнинг мис (II) ионларини сорбциялаш жараёни учун ΔG нинг ҳароратга боғлиқлиги.

3-жадалда сорбция жараёнида термодинамик функцияларнинг ўзгариши қийматлари келтирилган.


3-жадвал

Сорбентнинг мис (II) ионларини сорбциялаш жараёнида термодинамик функцияларнинг ўзгариши

T, K	$1/\Gamma_{\infty}$	$K_{\text{мув}}$	$\Delta G,$ Ж/моль	$\Delta H,$ Ж/моль	$\Delta S,$ Ж/(моль·К)
293	44,325	6,379	-4513,90	-122,32	-402,10
298	18,075	2,240	-1996,92		-403,80
303	10,043	1,213	-487,20		-402,12

3-жадвалдан кўришиб турибдики, барча термодинамик функцияларнинг ўзгариши манфий қийматга эга. Маълумки, эркин энергиянинг (ΔG) манфий қиймати жараённинг ихтиёрий равишда боришидан далолат беради. ΔH қийматининг манфий қийматга эга бўлиши жараённинг экзотермик характерга эгаллиги тўғрисида хулоса қилишга имкон беради. Жараён энтропияси ўзгаришининг (ΔS) манфийлиги, иккита омил билан тушунтирилиши мумкин: 1) жараён экзотермик характерга эга бўлгани сабабли иссиқликнинг чиқиши билан системанинг энтропияси пасаяди; 2) сорбент фазасида мис (II) ионларининг ютилиши оқибатида системада тартиблилик даражаси ортади.


Жараён кинетикасини тадқиқ этиш натижасида сорбентнинг мис (II) ионларини сорбциялаш жараёни мураккаб механизм бўйича кечиши аниқланди (9-расм).



9-расм. $\ln C - \tau$ (а) ва $1/C - \tau$ (б) боғлиқликлари кўринишидаги кинетик эгрлар.


9-расмда келтирилган маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, АН-ГТТ-ГА сорбентининг мис (II) ионлари билан таъсирлашиш механизми ҳақиқатдан ҳам мураккаб характерга эга бўлиб, жараённинг кинетик эгриси биринчи ва иккинчи тартибларга хос бўлган $\ln C - \tau$ ва $1/C - \tau$ кўринишидаги боғлиқларга тўғри чизикли мос келмайди.

АН-ГТТ-ГА сорбентининг мис (II) ионларини ютиш жараёнини чуқурроқ ўрганиш мақсадида, мунчоқсимон сорбентнинг – ОН шаклини НСI нинг 0,1 Н ли эритмаси билан металл ионлари иштирокисиз ва иштирокида потенциометрик титрланди (10-расм).



10-расм. Эритма рН қийматининг титрлашда сарфланган 0,1 Н ли НСI сувли эритмаси ҳажмига боғлиқликлари: мис (II) ионлари иштирокисиз (а) ва иштирокида (б).

10-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, мис (II) ионлари иштирокисиз («холостой» тажриба) ва иштирокида титрлаш эгри чизиклари бир-биридан фарқ қилади. Тахмин қилиш мумкинки, сорбентнинг мис (II) ионлари билан ҳосил қилган комплекси ҳаттоки кучли кислотали муҳитда ҳам барқарордир.



11-расм. Сорбент мунчоғининг мис (II) ионларини сорбциялагандан кейинги кўндаланг кесими юзаси бўйлаб элементларнинг тарқалиш хариталари ва энерго-дисперсион спектри.

Мис (II) ионларининг сорбент мунчоғи кўндаланг кесими бўйлаб текис тарқалиши аминализ жараёни оксим гуруҳларининг ҳосил бўлиши билан юқори даражада яқунланганидан далолат беради. Олтингугурт (S) атомига тегишли чўққининг пайдо бўлиши мис (II) сульфатнинг сувли эритмасидан мис (II) ионларининг ютилиши жараёнида сульфат ионлари ($-SO_4^{2-}$)нинг сорбциялаш жараёнида иштирокини исботлайди.

ХУЛОСА

1. Ионалмашувчи ва комплекс ҳосил қилувчи функционал фаол полимер олишга мақсадли йўналтирилган янги ғовакли мунчоқсимон АН-ГТТ сополимери олиш усули таклиф қилинди. Замонавий тадқиқот усуллари ёрдамида АНнинг ГТТ билан янги ғоваксимон сополимерининг структуравий-морфологик хусусиятларини аниқлаш кўрсатиб берилди.

2. АН-ГТТ чокланган сополимери аминализ ёрдамида мунчоқсимон сорбентга ўтказилиб, ушбу синтез жараёнининг мақбул шароитлари ўрганилиши натижасида ўртача кучли полиэлектролит олиш имкони кўрсатиб берилди.

3. Янги АН-ГТТ-ГА мунчоқсимон сорбентнинг структуравий-морфологик хусусиятларини тадқиқ этиш унинг структураси бутун сирт бўйлаб тарқалган кўп сонли агрегатлардан иборат яққол гетероген эканлиги ва унинг бир-бирига бириккан микроглобуляр заррачалардан ташкил топиши ҳамда унинг юқори солиштирма юза ($S_{уд}=106,51 \text{ м}^2/\text{г}$) ва ғовакларнинг ўртача ўлчами $\sim 15 \text{ \AA}$ га тенг ғоваксимон материал эканлиги кўрсатиб берилди.

4. Сорбентнинг модель эритмадан мис (II) ионларини сорбциялаш жараёнини ўрганиш орқали янги мунчоқсимон сорбентнинг юқори комплекс ҳосил қилиш қобилияти юқори эканлиги, бунга мунчоқсимон сорбентнинг ўзига хос ғоваксимон структураси сабаб эканлиги кўрсатилди. Бунда жараённинг барча термодинамик кўрсаткичлари қийматларининг манфийлиги унинг экзотермик характерга эгалигидан ва ўз-ўзича боришидан далолат бериши кўрсатиб берилди.

5. Мис (II) ионларининг сорбцияси кинетик эгрисининг биринчи ва иккинчи тартибли реакцияларга хос эмаслиги жараённинг мураккаб характерга эга эканлигини ҳамда АН-ГТТ-ГА сорбентини мис (II) ионлари иштирокисиз ва иштирокида потенциометрик титрлаш натижалари металл-полимер комплекснинг юқори даражада барқарорлиги далилланди.

6. Янги мунчоқсимон сорбентнинг мис (II) ионлари билан комплексини СЭМ ва ЭДС ёрдамида сополимер мунчоғининг сиртида элементлар таркибнинг фарқланиши аниқланиб, олтингугурт атомига тегишли сигналнинг пайдо бўлиши, сорбцияланиш жараёнида комплекс структуралар ҳосил бўлиши аминализ жараёнининг оксим гуруҳлар ҳосил бўлиши билан юқори даражада яқунланганидан далолат беради. АН-ГТТ-ГА сорбентининг темир (III) ва молибдат-ионлари бўйича сорбцион қобилиятни намоён қилиши ҳамда қувурлар коррозиясининг олдини олиш мақсадида табиий газ метанни водород сульфид (H_2S) ва карбонат ангидрид (CO_2) каби қўшимчалардан тозалашга тавсия қилинди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ
DSc. 03/30.12.2019.К.01.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

АЗИЗОВА ХОЛИДА МУМИН КИЗИ

**СИНТЕЗ И ФИЗИКО-ХИМИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА НОВОГО
ГРАНУЛИРОВАННОГО СОРБЕНТА НА ОСНОВЕ
АКРИЛОНИТРИЛА**

**02.00.06 – Высокомолекулярные соединения
02.00.04 – Физическая химия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКАМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021.4.PhD/K382.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.ik-kimyo.nuu.uz и информационно-образовательном портале «ZiyoNET» по адресу www.ziynet.uz.

Научные руководители:

Бабаев Туйгул Мирзаахмедович
доктор химических наук, профессор

Каттаев Нуритдин Тураевич
доктор химических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Рафиков Адхам Салимович
доктор химических наук, профессор

Рўзимуродов Олим Норбекович
доктор химических наук, профессор

Ведущая организация:

Ташкентский химико-технологический институт


Защита диссертации состоится «29» 06 2022 г. в 14⁰⁰ часов на заседании разового Научного совета на основе Научного совета DSc.03/30.12.2019.K.01.03 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская 4, Тел.: (+99871) 227-12-24; факс: (+99824) 246-53-21; 246-02-24. e-mail: chem0102@mail.ru).

Докторская диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана за № 55, с которой можно ознакомиться в ИРЦ. (100174, Ташкент, ВУЗ городок, Фундаментальная библиотека НУУз. Тел.: (+99871) 246-67-71).

Автореферат диссертации разослан «16» 06 2022 года.
(протокол рассылки № 15 от 16.06 2022 года).


З.А. Сманова
Председатель разового научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.х.н., профессор


Д.А. Гафурова
Ученый секретарь разового научного
семинара по присуждению учёных степеней,
д.х.н., профессор


М.Г. Мухамедиев
Председатель разового научного семинара
при научном совете по присуждению
учёных степеней, д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире для извлечения ионов различных цветных металлов (уран, рений, молибден, золото, серебро) из сточных вод и технологических растворов, обессоливания воды постепенно увеличивается потребность в ионообменных сорбентах в медицине, фармацевтике, химической промышленности и других отраслях. Благодаря низкой себестоимости, удобства в использовании, возможности к многократной регенерации и экологичности ионообменные сорбенты занимают достойное место в сорбционных технологиях.

В мире ведутся исследования по разработке ионообменных сорбентов с заданными их физико-химическими и эксплуатационными свойствами. Несмотря на широкие возможности по синтезу таких материалов, для большинства количества гранулированных полимерных сорбентов с улучшенными эксплуатационными и физико-химическими свойствами используется метод суспензионной сополимеризации акриловых мономеров с бифункциональными мономерами с последующей их химической модификацией.

В нашей стране были приняты меры в вопросе импортозамещения гранулированных сорбентов на основе местного сырья в различных отраслях экономики. В этом направлении достигаются значительные результаты по разработке методов синтеза, изучению строения и свойств, внедрению в практику термо- и хемостойких гранулированных сорбентов. В Стратегии развития нового Узбекистана¹ намечены задачи по «ускоренное развитие национальной экономики и обеспечение высоких темпов роста». В связи с этим особую актуальность приобретает осуществление мер по синтезу импортозамещающих, механически и химически прочных гранулированных сорбентов на основе местного сырья акрилонитрила, определение их морфологии и молекулярного строения, физико-химических свойств и механизмов сорбции с помощью современных методов анализа.

Данное диссертационное исследование в определённой степени способствует выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана», Постановлениями Президента Республики Узбекистан от 29 августа 2017 года № ПП-3246 «О мерах по совершенствованию экспортно-импортной деятельности организаций химической промышленности» и от 12 августа 2020 года № ПП-4805 «О мерах по повышению качества непрерывного образования и результативности науки по направлениям химии и биологии», а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий

¹ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития нового Узбекистана»

республики Узбекистан VII. «Химия, химическая технология и нанотехнология».

Степень изученности проблемы. В мире в настоящее время в области синтеза гранулированных сорбентов на основе акрилонитрила доминирует метод его суспензионной полимеризации в присутствии бифункциональных виниловых мономеров с последующим химическим превращением нитрильных групп или термическая карбонизация, позволяющая получать углеродные материалы.

Бразильскими учеными E.C.Riqueza, A.P. de Aguiar, M.R.M.P. de Aguiar, L.C.D. Maria исследованы теоретические и практические аспекты синтеза гранулированных сорбентов путем химических превращений сополимеров акрилонитрила под действием различных аминов в щелочных растворах, структурно-морфологические и физико-химические свойства полученных материалов. В частности, показано, что пористость гранулированных сорбентов зависит от типа разбавителя/порообразователя, используемого при их синтезе. Зарубежными учеными Malik DJ, Trochimczuk AW, Ronka S установлена прямопропорциональная зависимость удельной поверхности от количества порообразователей. Dilek Duranoğlu, Andrzej W. Trochimczuk, Ulker Beker освещены вопросы кинетики и термодинамики в процессах сорбции ионов Cr (VI) с целью установления связи между структурой полимеров и их физико-химическими свойствами. Ряд известных ученых нашей страны Мусаев У.Н., Аскарлов М.А., Рашидова С.Ш., Негматов С.С., Бабаев Т.М., Джалилов А.Т., Туробжонов С.М. и другие синтезировали ионообменные материалы с различными свойствами на основе полимерных материалов.

